РАСУЛОВ Ғайрат Пардаевич
Ўзбекистон халқаро ислом академияси Ислом тарихи ва манбашунослиги IRCICA кафедраси мудири, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, PhD
rgayrat@bk.ru

МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК: ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

МЕЖНАЦИОНАЛЬНОЕ СОГЛАСИЕ И РЕЛИГИОЗНАЯ ТОЛЕРАНТНОСТЬ: ОПЫТ УЗБЕКИСТАНА

INTERETHNIC HARMONY AND RELIGIOUS TOLERANCE: THE EXPERIENCE OF UZBEKISTAN

Аннотация. *Ушбу мақолада Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган давлат сиёсати, унинг ҳуқуқий асослари ва амалий натижалари таҳлил қилинади. Шунингдек, тарихий мерос, ижтимоий барқарорлик ва миллатлараро муносабатларнинг мустаҳкамланишига қаратилган чора-тадбирлар ёритилган. Бағрикенглик ва ҳамжиҳатликнинг мамлакат тараққиёти ва тинчлигидаги ўрни ҳамда келажакдаги ривожланиш истиқболлари таҳлил қилинган.*

Калит сўзлар: *миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, Ўзбекистон тажрибаси, ҳуқуқий асослар, ижтимоий барқарорлик, тинчлик ва ҳамжиҳатлик, давлат сиёсати, виждон эркинлиги, миллий анъаналар, конфессиялараро муносабатлар, бағрикенглик тамойиллари, демократик тараққиёт.*

Аннотация. *В данной статье анализируется государственная политика Узбекистана по обеспечению межнационального согласия и религиозной толерантности, её правовые основы и практические результаты. Также рассматриваются историческое наследие, социальная стабильность и меры, направленные на укрепление межнациональных отношений. Проанализирована роль толерантности и единства в развитии и мирной жизни страны, а также перспективы дальнейшего развития.*

Ключевые слова: *межнациональное согласие, религиозная толерантность, опыт Узбекистана, правовые основы, социальная стабильность, мир и единство, государственная политика, свобода совести, национальные традиции, межконфессиональные отношения, принципы толерантности, демократическое развитие.*

Annotation. *This article analyzes Uzbekistan's state policy on ensuring interethnic harmony and religious tolerance, its legal foundations, and practical outcomes. It also examines historical heritage, social stability, and measures aimed at strengthening interethnic relations. The role of tolerance and unity in the country's development and peaceful life, as well as prospects for future progress, are analyzed.*

Keywords: *interethnic harmony, religious tolerance, Uzbekistan's experience, legal foundations, social stability, peace and unity, state policy, freedom of conscience, national traditions, interfaith relations, principles of tolerance, democratic development.*

КИРИШ

Тарихга назар солсак, тинчлик, мустақиллик ва тараққиёт тушунчалари узвий бир-бирига боғлиқ эканлигини кўрамиз. Ушбу тушунчалар халқ фаровонлиги, юрт истиқболи ва ривожланиш босқичларини белиглаб беради. Бугунги кунда Ўзбекистон эришган натижалар, ютуқлар ва фаровон ҳаёт учун қанчадан-қанча ота-боболаримиз курашган. Тинчлик учун жонларини фидо қилишган. Уларга муносибавлод бўлиш барчамизнинг инсоний бурчимиз экан, бу йўлда мустақилликни асраб-авайлаш, миллатлараро тотувлик, ҳамжиҳатлик ҳамжиҳатлик ва айниқса ўзаро муносабатларни таъминлашни ҳамиша долзарб, деб қараш ва ҳар қандай вазиятда ҳам бу масаланинг ечимини ўз вақтида топиш лозим. Шуни назарда тутиб, истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ ҳамжиҳатлик, тотувлик ва бағрикенглик муносабатларини таъминлашга астойдил ҳаракат қилинди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ўзбекистонда виждон эркинлигини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг норматив-ҳуқуқий асосларини шакллантириш 1990-йилларда бошланди. 1991 йил 14 июнда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Мазкур Қонун турли динларга эътиқод қилувчи фуқаролар ҳамда диний ташкилотлар, шунингдек дин ва давлат ўртасида янги муносабатларни шакллантиришга қаратилди.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги ўрнатилиши билан боғлиқ сиёсий ҳуқуқларга, шунингдек фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги билан боғлиқ шахсий ҳуқуқ ва эркинликларга уйғун равишда фуқароларнинг виждон эркинлигига бўлган ҳуқуқининг конституциявий кафолатларини белгилаб берди.

Мазкур шароитларда 1998 йил 1 майда "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни янги таҳрирда қабул қилинди.

2000-йилларда жаҳон тарихида халқаро террористик ташкилотлар аъзолари фаолиятининг ҳаддан ташқари фаоллашуви кузатилди. Мазкур жараён Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. Шунга қарамай, виждон эркинлигига нисбатан таҳдидларни бартараф этишга қаратилган чоралар изчил амалга оширилиб, жамиятда барқарорлик муҳити сақлаб қолинди [3].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сон Фармонининг "Маънавий тараққи ётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш" номли V бандида "Жамиятда миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш" масаласи 74-мақсадда келтирилган бўлиб, унда "миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясининг изчил амалга оширилишини таъминлаш"[2] зарурлиги таъкидланган Бу борада Республика Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "...мамлакатимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқа ролар тотувлиги, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини кўз қорачи-ғидек сақлаш ҳамда мустаҳкамлашни ўзимнинг устувор вазифам, деб ҳисоблайман" [6:8-9], деб таъкидлагани ҳам айни муддао эди.

Ҳозирги кунга келиб, Ўзбекистонда меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик олий қадрият даражасига кўтарилган. Жамиятда тинчлик-осойишталик қарор топган. Мазкур заминда яшаётган барча миллат ва элат вакиллари ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик ҳар қандай давлат равнақини, эл-юрт осойишталиги, тинчлиги, тараққиёти ва дунёдаги обрў-эътиборини, энг муҳими, унинг келажагини белгилаб берувчи асосий омиллардан бири бўлиб келган. Дарҳақиқат, ўзбек халқининг истиқлол йилларида эришган энг катта бойлиги - халқнинг тинч ва осуда ҳаётидир. Жамиятдаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби олийжаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун яшаш тамойили тобора мустаҳкамланиб бораётгани Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакилларининг ҳаёт тарзи жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда. Шунинг учун ҳам, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик миллий мафкуранинг асосий ғояларидан бири ҳисобланар экан, Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, "Мамлакатимизда миллатлар ва конфессияларо ҳамжиҳатликни сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган давлат сиёсати изчил амалга оширилмоқда" [8:307]. Республикада 16 та конфессияга ва 130 дан ортиқ турли миллатга мансуб халқлар ўртасидаги дўстлик, ҳамжиҳатлик ришталарининг ривожланиши, умуман, ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг мавжудлиги ҳамда миллий истиқлол ғояси ва мафкурасининг, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат барпо этиш соҳасидаги ҳаракатлар Ўзбекистонда жамият ҳаётининг барча жабҳаларида туб ислоҳотлар ўтказиш учун мустаҳкам шарт-шароит яратмоқда. 1991 йилда республикада 12 та миллий-маданий марказ фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирги кунда 156 та миллий маданий марказ, 38 та дўстлик жамияти ва хорижда 98 та ватандошлар жамияти фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, 2023 йилда янги 3 та миллий маданий марказ ташкил қилинган ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Давлат бюджетидан 20 млрд. сўмга яқин маблағ ажратилганлигини таъкидлаш жоиз [12]. Бундан ташқари, Президентнинг "Ўзбекистон 2030" стратегияси тўғрисида"ги Фармони ва "Ўзбекистон 2030" стратегияси сифатли ва ўз вақтида амалга оширилиши режа қилинган.

Кўп сонли миллат ва элат вакилларининг ана шундай биргаликда, ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб умр кечириши натижасида уларнинг ҳар бири маънавий ва маданий жиҳатдан бойиб, ўзаро муносабатлар таъсирида кўп миллатли халқимизнинг турмуш тарзи янада юксалмоқда. Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: "миллати, тили ва динидан

ISSN 2181-9572

қатъ ий назар, уларнинг барчаси учун ҳақиқий Ватанга айланганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир[4:449]. Зеро, юртимизда виждон ва эътиқод эркинлиги, турли миллат вакилларининг ҳуқуқлари кенг кафолатланиб, диний бағрикенглик муҳити тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Мамлакатимизда этник ўзига хослиги, тили, урф-одат ва анъаналарини ҳар томонлама ривожлантириш ва ўзаро бойитиш бўйича тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлган турли миллат ва элат вакиллари ягона оила бўлиб, дўстлик ва иноқликда ҳаёт кечириш баробарида, тинчлик ва осойишталикни сақлаш, Ватанимизни янада равнақ топтириш, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада ошириш мақсадида барча соҳаларда кенг кўламли ўзгаришларни амалга ошириш йўлида улар ўзларининг фидокорона меҳнати билан муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Юртимизнинг қайси бир ҳудудига назар ташламайлик, барча жойда ҳамжиҳатлик, ўзаро илиқ муносабат ва аҳилликнинг гувоҳи бўламиз.

Дунёда миллатлар кўп, улар ичида буюк ўтмишга эга бўлган, тенглар ичра тенг ўзбек миллати ҳам бор. Жаҳон аҳли Ўзбекистонга қараб, бизнинг миллат сифатидаги қиёфамизни, муқаддас динимизга хос бўлган бағрикенглигимизни кўради.

Истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлабоқ мамлакатни ривожлантиришнинг асосий тамойилларидан бири - бу ўзбек халқининг маънавий мероси, миллий қадриятларини ўрганишни кучайтиришдан иборат эканлиги таъкидлаб келинмоқда. Шу мақсадда диний-маърифий қадриятларни ўрганиш, асраб-авайлаш ва ҳимоя қилиш, шу асосда ёш авлод қалби ва онгига эзгу ғояларни сингдириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Президент Ш.Мирзиёев сўзлари билан айтганда, “...мамлакатимизда миллатлараро муносабатлар ривожида янги босқич бошланди. Бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, миллатлараро ва фуқароларо ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни шу асосда, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Буларнинг барчаси ҳаётда ўзининг тўлиқ ифодасини топди” [5:295]. Дарҳақиқат, бугунги Ўзбекистоннинг куч-қудрати манбаи халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидадир. Халқимиз инсонийлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик, саховат ва мурувват, бағрикенглик сингари халқимизга хос бўлган фазилатларнинг нозик куртакларини асрлар бўйи авайлаб-асраб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтириш учун зарур бўлган шарт-шароит яратишдан иборатдир.

Бугунги кунда мамлакатимизга бутун дунёнинг нигоҳи қадалган, қадимий маданиятимиз ва маънавий қадриятларимизни жаҳон аҳли тан олаётган бир даврда муқаддас динимиз ва миллий қадриятларимизни авайлаб-асраш ва ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга. Шунда биз, ўтмишдаги буюк зотларимиз: Имом ал-Бухорий, Имом Доримий, Имом ат-Термизий, Имом ал-Мотурудий, Маҳмуд Замахшарий, Бурҳониддин ан-Марғиноний, Аҳмад ал-Фарғоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдухолиқ Ғиждувоний ва шулар каби боболаримиз васиятлари ва ўгитларини ҳамда улар қолдирган улкан маънавий меросдан ўрнак ва ибрат олиб, бу ғояни ёшлар онгига тезроқ етказа оламиз ҳамда уларнинг илмга, тарихимизга бўлган ҳурмат-эҳтиромини янада оширамиз.

Ҳар қандай мамлакатнинг тараққиёти ва дунёдаги обрў-эътибори, аввало, шу эл-юртда қарор топган тинчлик-осойишталикка, шу ерда яшаётган барча миллат ва элат вакилларининг тотувлигига боғлиқ. Шунинг учун ҳам, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик миллий мафкурамизнинг асосий ғояларидан бири ҳисобланади.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ юртимизда турли динларга мансуб қадриятларни асраб-авайлашга, барча фуқароларга ўз эътиқодини амалга ошириш учун зарур шароитларни яратиб беришга, динлар ва миллатлараро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга, улар ўртасида қадимий муштарак анъаналарни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистон аталмиш жаннат макон юртнинг, Янги Конституциясининг 19-моддасида таъкидланганидек, “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи,

миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар” [1:13], деб белгилаб қўйилганлиги, кўпмиллатли халқимиз ўртасидаги тотувлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш учун яратилган заминдир. Асосий қонунда ушбу ҳуқуқнинг акс эттирилиши мамлакатда инсонларнинг виждон ва эътиқод эркинлиги таъминланиши учун асосдир. Зеро, Президент Ш.Мирзиёевнинг “Жамиятимизда миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган ишларимиз сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилмоқда”[7:38] деб таъкидлангани ҳам бежиз эмас.

Бу борада мамлакатимизда миллатлараро ва конфессияларарo тотувликни таъминлаш учун барча ҳуқуқий асослар ҳамда зарур шарт-шароитлар яратиб берилган, амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусан маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган, амалий чора-тадбирлар ҳам, олиб борилаётган кенг кўламдаги ишлар ҳам жамиятимизда тинчлик-осойишталик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган. Бағрикенглик маданиятини шакллантириш ва янада мустаҳкамлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. ЮНЕСКО Бош конференциянинг 1995 йил 16 ноябрдаги 28-сессиясида “Бағрикенглик тамойиллари тўғрисида”ги Декларация қабул қилинди. Шу кундан эътиборан 16 ноябрь санаси Халқаро бағрикенглик куни сифатида бутун дунёда, шу жумладан, мамлакатимизда ҳам кенг нишонлаб келинади. Бағрикенгликдан асосий кўзланган мақсад инсониятни тинчлик ва осойишталикни сақлашга ундашдир. Мазкур декларацияда таъкидланганидек: “Бағрикенглик бўлмаса тинчлик бўлмайди, тинчликсиз эса тараққиёт ва демократия бўлмайди” [11:92]. Динлараро бағрикенглик ғояси нафақат диндорларнинг, балки, бутун жамият аъзоларининг эзгулик йўлидаги ҳамкорлигини назарда тутади ҳамда тинчлик ва барқарорликнинг муҳим шарти ҳисобланади. Азал-азалдан юртимизнинг йирик шаҳарларида турли диний идоралар ўз ибодатчиларига эмин-эркин хизмат кўрсатиб келгани, тарихимизнинг оғир синовли дамларида ҳам диний асосда можароларнинг чиқмаганлиги халқимизнинг динлараро бағрикенглик борасида улкан тажрибага эга эканлигидан далолат беради. Шу боисдан ҳам, Ўзбекистонда том маънода диний бағрикенгликнинг юксак анъаналарига амал қилинаётгани жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Бу борада Президент Ш.Мирзиёев, “Бугунги осуда ҳаётимизнинг қадрига етиш, жамиятимизда ҳукм сураётган турли миллат ва элатлар, диний конфессиялар ўртасидаги бағрикенгликни, фуқаролар орасидаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш барчамизнинг асосий бурчимиздир”[8:311], деб тўғри таъкидлаган эди. Миллатлараро муносабатлар ва диний бағрикенглик тамойилларининг яхши йўлга қўйилганлиги, миллий анъана ва қадриятларни янада ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган эзгу ишлар, кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликлар, яратилаётган барча имконият ва шароитлар бугунги ҳаёти мизда акс этмоқда.

Ҳар қандай кўп миллатли мамлакатнинг муваффақиятли ривожланиши ижтимоий барқарорлик, иқтисодий-сиёсий асослар ҳамда ахлоқий мезонлар билан бир қаторда кўп жиҳатдан мамлакатдаги турли миллатлар ва диний конфессиялар ўртасида тотувлик ҳамда мустаҳкам тинчликка боғлиқ. Этник ўзига хосликни ривожлантириш ва миллатлараро муносабатларни янада уйғунлаштиришда 2017 йил 19 майдаги “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига асосан, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташкил этилди. Мазкур қўмита ўз фаолияти доирасида жамиятда миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш бўйича давлат сиёсатини изчил ҳамда самарали амалга ошириб, 150 та миллий маданий марказ билан ҳамкорлик қилмоқда[10:174]. Улар ўзига хос маданияти, тили, урф-одат ва анъаналарини, халқ ҳунармандчилигини ривожлантириб, турли маданиятларнинг бир-бирини ўзаро бойитишга, ҳар биримизда кўпмиллатли ягона оила туйғусини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Шунингдек, Ўзбекистоннинг миллий-маданий хилма-хиллиги миллий ўзлигини англашнинг ўсиши ва маънавий тикланиш билан қўшилиб, жамиятнинг янгиланишига, унинг бағрикенглигига қудратли

ISSN 2181-9572

туртки бўлади ҳамда республиканинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши учун қулай шароит яратади. Миллатлараро ва динлараро тотувлик жамиятнинг ўз-ўзидан юзага келувчи ҳолати бўлмай, Ўзбекистон давлатининг миллий сиёсати натижасидир [9:449].

Ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистондаги диний ва миллатлараро тотувлик ни сақлашга доир юксак инсонпарвар сиёсат, жамиятдаги барқарорлик, ўзаро ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат, мурувват ва шафқат, саховат муҳити дунёнинг кўплаб мамлакатлари учун ҳавас қилишга ва намуна бўлишга арзигуликдир. Шу билан бирга, миллатлараро тотувлик, бағрикенг муқаддас ислом динимиз - тинчлик, маърифат, юксак ахлоқ-одоб ифодачиси сифатида вақтлар ўтган сайин юлдуздек ярқираб, чирой очаверади, фуқаролик жамияти ривожланишининг асосий мезонларидан бири бўлиб қолаверади, келажаги буюк бўлган баркамол авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда муҳим омил ҳамда юртимиз тараққиёти ва тинчлигининг гарови сифа тида хизмат қилаверади. Зеро, Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “миллатлараро муносабатлар соҳасида тизимли асосда илмий, жумладан, ижтимоий тадқиқотлар олиб бориш, шунингдек, мазкур йўналишдаги жараёнлар ривожининг муттасил мониторингини йўлга қўйиш” [8:307] муҳим аҳамият касб этади.

Бу борадаги ишларнинг мантиқий давоми сифатида, 2025 йил 25 февралда давлатчилигимиз ривожининг бой миллий-тарихий тажрибасига ва умуминсоний қадриятларга таянган ҳолда, кўпмиллатли ва кўпконфессияли Ўзбекистонда умумжамият манфаатларини рўёбга чиқариш, демократия, дунёвийлик, эркинлик, тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик асосида ўзаро тотувликда яшаш ҳамда изчил тараққий этиш учун зарур барқарор муҳитни таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” [3]ги қонуни қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепцияси юқоридаги фикрларга яна бир далил бўлиб, давлат ва дин муносабатларини мувофиқлаштирувчи, яна ҳам мустаҳкамловчи омил сифатида хизмат қилади.

Хусусан, “Ўзбекистон Республикасида диний соҳадаги давлат сиёсатининг мақсади, асосий вазифалари ва принциплари” деб номланган 3-бобнинг 9-бандида белгиланган Ўзбекистон Республикасида диний соҳадаги давлат сиёсатининг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланган:

– Жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, фуқароларнинг эркинлигини ва қонун олдида тенглигини таъминлаш ҳамда конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўймаслик чораларини кўриш;

– кўп миллатли ва кўпконфессияли Ўзбекистон халқининг бирлиги ва бирдамлигини, урф-одатларига нисбатан ҳурмат руҳини мустаҳкамлаш, уларнинг ривожланиши учун тенг шарт-шароитлар яратиш;

– фуқароларнинг ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиши учун тенг ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш;

– фуқароларнинг динга муносабатидан қатъи назар, диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўймаган ҳолда, уларнинг виждон эркинлигига бўлган конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириши учун шарт-шароитлар яратиш;

– давлат ўзининг ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишида конституциявий нормаларга мувофиқ дунёвийликка таяниш;

– конституциявий нормаларга мувофиқ, давлат бошқаруви органлари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамияти бошқа институтларининг фаолиятини, шунингдек ижтимоий муносабатларни дунёвийлик асосида тартибга солинишини таъминлаш;

– жамиятда диний бағрикенглик ва қонунийликни қарор топтириш борасида фуқароларнинг фаол фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш бўйича изчил чора-тадбирларни амалга ошириш;

– давлат хизматчиларининг ўз касбий фаолиятида ва функционал вазифаларни бажаришда бирор-бир динга ёки эътиқодга устунлик беришига ёхуд бирор-бир динни ёки эътиқодни камситишига йўл қўймаслик;

– жаҳон илм-фани, маданияти, санъати ва адабиётининг илғор ютуқларидан баҳраманд

бўлган ҳолда мамлакатнинг илм-фани ва маданиятини ривожлантириш;

– фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига, аҳолининг соғлиғига, ижтимоий ахлоққа, жамоат хавфсизлигига ва жамоат тартибига таҳдид солувчи радикаллашувга қарши курашиш, экстремизм ва терроризм ғояларининг тарқатилишига йўл қўймаслик, каби аниқ белгиланган принциплар Ўзбекистондаги виждон эркинлиги, диний бағрикенглик ва миллатлараро ҳамжиҳатликни яна бир поғонага кўтариб, эътиқод эркинлигини таъминлашда муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

ХУЛОСА

Умуман олганда, диний бағрикенглик тамойилларининг яхши йўлга қўйилганлиги, миллий анъана ва қадриятларни янада ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган эзгу ишлар, кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликлар, яратилаётган барча имконият ва шароитлар бугунги ҳаётимизда акс этмоқда, миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш ва янада уйғунлаштиришда муҳим омил бўлмоқда. Диний бағрикенглик соҳасида ўзаро ҳурматга асосланган муҳитни мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида нафақат ўзимизга хос бўлган тажрибага эга бўлдик, балки бу соҳада яратилган янги тизим нафақат юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат вакилларнинг ўз тарихий ватанлари билан алоқа қила олишини, балки шу орқали икки миллат ҳамда икки давлат ўртасидаги ижобий муносабатларни ҳам мустаҳкамлаш имкониятига ҳам эга бўлди. Ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистондаги диний ва миллатлараро тотувликни сақлашга доир юксак инсонпарвар сиёсат, жамиятдаги барқарорлик, ўзаро ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат, мурувват ва шафқат, саховат муҳити дунёнинг кўплаб мамлакатлари учун ҳавас қилишга ва намуна бўлишга арзигуликдир.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлса, мамлакатимизда миллатлараро муносабатлар, тотувлик ва бағрикенгликни сақлашга доир давлат сиёсатининг олиб борилиши натижасида умуминсоний қадриятлар ва миллий урф-одат ҳамда анъаналар уйғунликда, бир-биридан қувват олган ҳолда тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023. // https://lex.uz/docs/6445145
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йиллар га мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони// https://lex.uz/docs/5841063
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ЎРҚ-1037-сон Қонуни// https://lex.uz/docs/7404923#7404976
4. Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. -Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
5. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, инги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. -Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
6. Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда бар-по этамиз//Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришган тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. -Тошкент: Ўзбекистон, 2016.
7. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имконият амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. -Toshkent: O'qituvchi MU MCHJ 2021.
8. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. -Тошкент: Ўзбекистон, 2021.
9. Ғафарли М.С., Касаев А.Ч. Ривожланишнинг ўзбек модели тинчлик ва барқарорлик - тараққиёт асоси. -Тошкент: “Ўзбекистон”, 2001.
10. Салимов О. Янги Ўзбекистон давлати. – Тошкент: Маънавият, 2023.
11. Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси. ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари. – Тошкент: Адолат, 2004.
12. Миллий-маданий марказлар // https://qomus.info/encyclopedia/cat-m/milliy-madaniy-markazlar-uz

ISSN 2181-9572